

## CRIMES, CAUSES AND PREVENTION OF ECOLOGICAL DISORDERS

Abdikodirov Husnitdin Shokirovich

Director of The Military-Academic Lyceum "School of Temurbeks" Shahrizabz of The Ministry of Emergency Situations of The Republic of Uzbekistan.

Kosimov Jurabek Sodiqovich

Ministry of Emergency Situations of The Republic of Uzbekistan Shahrizabz First Deputy Director of The Military-Academic Lyceum "Temurbek School"

Boymirzaev Abdusattor Egamshukurovich

Associate Professor of The Institute of Civil Defense Under The Academy of The Ministry of Emergency Situations of The Republic of Uzbekistan

### ABSTRACT

This article reflects the current environmental crimes with negative global consequences, their consequences and the measures that need to be taken in this area.

**Keywords:** ecological education, ecological culture, ecological thinking, ecological crimes, ecological offenses.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описаны экологические преступления, которые в настоящее время приводят к глобальным последствиям, их последствия и меры, которые необходимо предпринять в этой сфере.

**Ключевые слова:** экологическое образование, экологическая культура, экологическое мышление, экологические преступления, экологические правонарушения.

### INTRODUCTION

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш ва қайта тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қарорига асосан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди. Ушбу қўмитанинг асосий мақсад ва вазифалари - экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат миқёсидаги бошқарув, координация ва идоралараро муносабатларни ташкиллаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам фуқароларга экологик таълим тарбияни шакллантириш зарурати юзага келди. Шундай экан, экологик таълим ва тарбия бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳар бир инсонда ўзи яшаб турган уй, куча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарни ифлосланишдан асраш, уни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, табиий масканларни асл ҳолида сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш, юртимиз табиатини муҳофаза қилиш сингари фазилатларни шакллантириш экологик тарбиянинг ажралмас қисмидир. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат

неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади.

Ҳозирги глобаллашув даврида инсонларнинг табиатга антропоген таъсири кескин ошмоқда. Сув ҳавзаларининг полителин чиқиндиларга тўлиши, ўрмонларнинг инсон омили таъсирида ёниши, тупроқнинг турли пестицидлар билан ифлосланиши, атмосферага корхоналар томонидан захарли газларнинг чиқарилиши инсонлар томонидан экологик жиноятлар қўламининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Экологик жиноятлар экологик ҳуқуқбузарликлар тизимида энг оғир оқибатларга сабаб бўлувчи, табиат ва жамиятга жиддий зиён етказувчи ҳамда ижтимоий хавфи юқори бўлган салбий қилмишлардир. Экология соҳасидаги жиноятлар – экологик қонунчилик талабларини бажармаслик жиноятларининг мураккаб мажмуасидир, яъни улар атроф табиий муҳитга ва инсон саломатлигига зарар етказувчи ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, жиноят қонуни билан тақиқланган ва жазо белгиланган, инсонни ўраб турган табиий муҳитни қўриқлашни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, шу жумладан экологик хавфсизликни, шахсни, жамиятни, миллатни ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишдан иборатдир.

М.Н.Копылов таъкидлашича, экологик жиноятлар тушунчаси икки гуруҳ асосларга таянади.

Биринчи гуруҳга атроф табиий муҳитга зарар етказувчи антропоген таъсирнинг хавфлилиги, унинг инсонни биологик тур сифатида мавжуд бўлиши шарт-шароитларига дахл қилиши, инсоният ҳамжамияти соғлом турмуш кечиришига ғов бўлиши, ирсий ўзгаришларга сабаб бўлиши ва ҳ.к.лар киради.

Иккинчи гуруҳ эса, қонун билан белгиланган жиноий жавобгарлик келиб чиқиши ва қўлланилиши шартлари. Экологик жиноятлар Жиноят кодексида мустаҳкамланган жиноятларнинг бир гуруҳи бўлиб, ижтимоий ва экологик хавфли хулқ-атворни ифодалайди ҳамда ЖКнинг умумий жиноятчиликка оид қоидаларини ҳамда махсус экологик қонунчилик нормаларини қамраб олади.

Экологик жиноятчилик – бу жиноят қонунида кўзда тутилган ҳамда жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган оқилона фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши инсоннинг барқарор ҳаёт кечиришини таъминловчи атроф табиий муҳитга ва унинг алоҳида унсурларига, шунингдек, аҳоли ва ҳудуд экологик хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳамда табиий объектлардан ҳуқуққа хилоф равишда фойдаланиш оқибатида атроф табиий муҳит ҳолати ва сифатида салбий ўзгаришларга олиб келувчи айбли ижтимоий хавфли қилмиш (хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Экология соҳасидаги жиноятчилик салбий оқибатларининг оғирлиги жиҳатидан, ўзининг демографик, экологик, ижтимоий хусусиятлари бўйича миллатлар хавфсизлигига реал

хавф туғдиришининг аниқлиги жиҳатдан ғоят жиддий хавф туғдирувчи ҳодиса бўлиб қолмоқда. Бу яна инсоннинг ўртача яшаш муддатининг камайишига, турли касалликларнинг, ўлим ҳодисаларининг кўпайиб кетишига, аҳоли генофондининг сусайишига сабаб бўлмоқда, экологик ҳалокатнинг ва экологик ёмон зоналарнинг пайдо бўлишига ва табиий ресурсларнинг (тупроқ, ўрмон ва бошқаларнинг) деградациясига сабаб бўлмоқда.

Экология соҳасида кўпроқ учрайдиган жиноятларга одатда тупроқни, ўсимликлар дунёсининг ифлосланиши ва ғайриқонуний равишда ўрмондаги дарахтларни кесиш ёки нобуд қилиш киради. Кейинги вақтда экология хусусиятидаги, янада оғирроқ оқибатлар келтириб чиқарадиган янги турдаги жиноятларнинг кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Бундай жиноятларга тиклаб бўлмайдиган даражада табиий ресурсларни талон-торож қилиш, ғайриқонуний равишда олинган хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, инсон учун зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол молларини республикага келтириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳит учун зарарли бўлган чет эл технологияси ва ишлаб чиқаришини жойлаштириш кабиларни киритиш мумкин.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик турларига нисбатан оғир бўлган турларидан яна бири жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у жиноят ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган ҳаракатни содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган жавобгарлик. Жиноят ҳуқуқбузарликнинг жиддий кўриниши бўлганлиги боис, жавобгарлик чоралари ҳам юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан кўра оғирроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-бўлимида “Экология соҳасидаги жиноятлар” учун жавобгарлик белгиланган.

Экологик ҳалокат кучаяётган, тикланмайдиган табиий ресурслар миқдори камаяётган бир даврда жиноят ҳуқуқи ҳамда криминологияда экологик жиноятлар бошқа жиноятларга қараганда ўта оғир эканлиги, унинг тиклаб бўлмайдиган, бартараф этилмайдиган оқибатларга сабаб бўлишлигига етарлича эътибор берилмаяпти. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни том маънода инсониятни сақлаб қолиш ҳамда ҳимоя этиш воситаси деб ҳисоблашимиз мумкин. Шундай экан, экологик жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чора-тадбирлар ёрдамида курашиш бугунги кунда давр талабига айланиб улгурди. Чунончи, экологик жиноятларга қарши кураш давлатимиз ҳамда жиноят ҳуқуқи олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб, улар фаолиятининг устувор йўналишига айланиши, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зотан, табиатни тиклашдан кўра, асраш ва вайрон бўлишининг олдини олиш осон ва мақсадга мувофиқдир.

Экологик жиноятлар ЖКда кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, улар ўзида ЖК Махсус қисми 4-бўлими ҳамда Умумий қисми 14-бобида кўзда тутилган жиноят тушунчаси ҳақидаги қоидалар билан Ўзбекистон Республикаси экология қонунчилигини умумлаштирган ҳолда ифода этади. Экологик жиноятларнинг экологик муносабатларга тажовуз қилиши, ҳуқуққа хилофлиги, айблилиги, ижтимоий хавфлилиги, жазога сазоворлиги каби хусусиятларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин.

Умуман олганда, экологик жиноятлар учун жавобгарлик аксарият хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида белгиланган бўлиб, бу бугунги кундаги экологик аҳвол,

инсонларнинг ва жамиятнинг табиатга бўлган муносабати билан ҳам изоҳланади. Ривожланган ғарб давлатларидан бири Швейцариянинг 1937 йилда қабул қилиниб, ҳозирга қадар амалда бўлган Жиноят кодексининг “Жамият саломатлигига қарши жиноят ва қилмишлар” деб номланган саккизинчи бўлимида ҳам экологик жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Мазкур бўлимда касаллик тарқатганлик (231-м.), эпизотия тарқатганлик (232-м.), зараркунандаларни тарқатганлик (233-м.), ичимлик сувини ифлослантирганлик (234-м.), ҳайвонлар соғлиғи учун зарарли бўлган ем ишлаб чиқиш (235-м.) каби қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган. Бундай йўналиш нафақат Швейцария ЖКда, балки Таиланд жиноят қонунининг “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” учун жавобгарлик белгиланган 6-бўлимида (масалан, ЖК 228-моддаси - “ичимлик суви заҳирасини ифлослантирганлик”) ҳам ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, баъзи хорижий мамлакатларда экологик жиноятлар жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар туркумига киритилган. Хусусан, ушбу бўлимларнинг номиданоқ, унда айнан экология ва табиатга эмас, балки бевосита жамиятга, жамият аъзоларига зарар етказувчи қилмишлар учун жавобгарлик белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мазкур давлатлар жиноят қонунлари мазмунидан экологик жиноятлар табиатга эмас, балки аҳоли саломатлигига тажовуз қилганлиги учун таъқиб этилиши зарур, деган хулоса келиб чиқади. Лекин, фикримизча, бундай сиёсат оқилона эмас, зотан табиатни асрасак, уни муҳофаза қилсакгина инсоният биологик мавжудот сифатида ўз ҳаётий фаолиятини давом эттириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига экологик жиноятлар учун қуйидаги жиноий жазолар кўзда тутилган: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш.

Жарима – жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланадиган ҳамда унинг мулкӣ манфаатларини маълум ҳажмда чекловчи жиноий жавобгарлик чораси.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш – шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари – шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилиш - маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда, экологик жиноятларга “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи

жиноятчилик қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир”, деган таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, табиатни сева билишни, ундан тўғри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия ва экологик маданиятнинг асоси бўлиб, кишиларда табиат олдида маъсулиятнинг англаш ҳиссиётини ҳосил қилади. Айтиш мумкинки, инсон тафакқурини олий даражадаги босқичи бу экологик тафакқурдир. Зеро, инсон ўзини англаши ва унинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ижобийлаштириши, яъни қундалик ҳаётимизда табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракати оқибатини аввалдан англаб етиши ва шунга яраша фаолият кўрсатиши, тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ҳар биримиз ўзимизни табиатнинг ажралмас бир бўлаги ва унинг халоскори эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Шунинг учун таълим-тарбиянинг барча босқичларида тингловчи ва тарбияланувчиларни экологик тафакқурини ривожлантириб бориш ҳар биримизнинг табиат олдидаги муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши лозим.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: Илм-зиё, 2006.
2. Рустамбаев М.Х., Скрипников Н.К. Эколого-правовая ответственность. Учебно-методическое пособие. – Ташкент: ТГЮИ, 2007.
3. Копылов М.Н. Юридическая ответственность за экологические преступления. Учебное пособие. – М.: Изд-во Российского университета дружбы народов, 2004. – С. 70.
4. Гареев А.А. Экологические преступления: уголовно-правовое противодействие. Автореф. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург: 2006.
5. Усмонов М. Экологик жиноятларни баҳолаш // Ҳаёт ва қонун. - 2001. – № 2-3.
6. Н.Д. Андреева, В.П.Соломин, Т.В.Васильева “Теория и методика обучения экологии” олий ўқув юрти талабалари учун дарслик «Академия» Нашриёт маркази, 2009. - 208 б.
7. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б.115.